

## Ўзбекистон Тараққиётининг Янги Босқичида Нодавлат Нотижорат Ташкилотларининг Ривожланиши

У. Т. Полвонов  
ТДЮУ тадқиқотчиси

**Аннотация:** Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар шароитида нотижорат ташкилотларининг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этади, ушбу мақсад йўлида олиб борилаётган демократик ислохотларнинг мазму-моҳияти акс эттирилган. Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ННТлар учун яратиб берилаётган институционал ўзгаришларнинг тенденциялари таҳлил этилган. Қолаверса, сўнгги йилларда ННТ учун ажратиб берилаётган грантлар ва уларнинг таҳлили очиб берилган.

**Калим сўзлар:** фуқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар, грант, субсидиялар, демократик ўзгаришлар, юридик шахс, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, муассасалар нотижорат ташкилот, трансмиллий корпорациялар.

Жаҳонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки масалалари юзасидан қатор фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари нисбатини аниқлаш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир. Мисол учун ҳатто АҚШда нотижорат ташкилотларини ушбу ҳудуд ва ҳуқуқий тартибот мазмунидан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлишни назарда тутди: норасмий ташкилотлар; инкорпорациялашган нотижорат ташкилотлар (корпорациялар); солиқ қонунчилигига асосан солиқдан озод қилинган ташкилотлар (Internal Revenue Code)<sup>1</sup>.

ННТларнинг ривожланишига назарий жиҳатдан қараганда жаҳон тарихида тутган ўрни ва уларнинг тарихий ривожланиш тенденциялари ҳақида жуда кўплаб қарашлар ва олимларнинг (Ш.Якубов, Ш.Назаров, Т. R.Davies, Т.Tvedt, P.Willetts, A.Kuruwila, W. D. Eberwein, B. A Reinalda, W.Tesseur, E. Г.Тарханова, М.Т. Ford, S.Adu-Gyamfi, D. B.Awuah, K.Amakye-Boateng) фикрларини таҳлил қилган ҳолда, мазкур институтнинг ривожланишига давлатнинг ҳуқуқий тизими, унинг ҳуқуқий ривожланиш даражаси, демократик ғояларни амалга ошириш бўйича жамият аъзоларининг ташаббускорлиги каби омиллар ижобий таъсир кўрсатган деган фикрни илгари суради<sup>2</sup>. Ушбу қарашлар асосида ННТларнинг назарий асосларини ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан Янги Ўзбекистон тараққиётида фуқаролик жамияти институтларини ҳимоя қилиш конституция даражасида белгиланди. Жумладан Янги

<sup>1</sup> Исаева М.А. Законодательные условия формирования целевого капитала некоммерческих организаций России и США: сравнительный анализ. //Вестник Чувашского университета. 2011. № 4. С.419-424.

<sup>2</sup> Наримонов Б. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги юридий фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2020. – Б. 11.

тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII –бобида махсус Фуқаролик жамияти институтлари боби ажратилиб, 7 та модда<sup>3</sup> ажратилишини ўзи янги тараққиёт учун фуқаролик жамияти институтларига бўлган янги қараш ҳисобланади.

Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишининг янги босқичи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>4</sup>да фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланиб, соҳани такомиллаштириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилган эди. Хусусан Президентимизнинг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳани янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Жумладан фармон билан 2025 йилга қадар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожланишнинг асосий босқич ва йўналишларини аниқ кўрсатиб, бу борада институционал ва функционал ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда эди. Хусусан;

Биринчи, 2021 йил 1 мартдан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган (маълумот учун) ҳолда хорижий манбалардан олинмаган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 100 бараваригача оширилди, нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 1 ойдан 15 кунгача қисқартирилди:

Иккинчи, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи бекор қилинди;

Учинчи, вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТ ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун БҲМнинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланиб, молиявий эркинлик берилди;

Тўртинчи, ННТларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялари) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили институти, ННТ фаолиятининг очиқлик индексининг жорий қилиниши, “Шаффоф ҳайрия” ягона интерактив порталининг ишга туширилиши ҳамда давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш тартибининг соддалаштирилишини алоҳида айтишимиз мумкин. Бу борадаги ўзгаришларга эътибор берсак, давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажми 2021 йилда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун **жами 75 млрд. 782 млн. сўмни** ташкил этган бу 2008 йилга нисбатан таққослаганда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми **36** баробарга, 2010 йилга нисбатан **16** баробарга, 2017 йилга нисбатан **6,5** баробарга ошганлигини кўрсатади. Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 2023 йилда **226,4 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлса, 2024 йилда бу рақам **1.3 трлн. сўмни** ташкил этган. “Учинчи сектор” субъектларининг лойиҳаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори 1,9 баробарга оширилишини ўзи ҳам юртимизда чин маънода ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида ижобий муносабат пайдо бўлганлигини аниқлатади. Чунки фуқаролик жамияти институтлари ва

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 80-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.// <https://www.lex.uz/acts/3107036>

нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолиятини ривожлантирмай туриб, “инсон-жамият ва давлат” муносабатларида мулоқот диалоги шаклланмайди. Мулоқотни ўрнатилши эса “Кучли фуқаролик жамиятини” шаклланиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳар қайси тизимни ривожлантирувчи бу кадрлар ҳисобланади. Малакали кадрларсиз соҳани юқори чўққига олиб чиқиши қийин жараён. Кадрлар – бу стратегия. Бу борада ҳам сўнги йилларда ННТ вакиллари малакасини ошириш орқали уларга бошқарув кўникмасини шакллантириш, давлат ижтимоий аҳамиятига доир субсидиялар, грантларни жалб этиш мақсадида юртимизда жами 2025 йилга қадар 750 нафар ННТ раҳбарларини Давлат бошқарув академиясида малака ошириш режалаштирилди, бугунги кунда келиб эса, 500 нафарга яқин ННТ вакиллари малакаси оширилди ҳамда уларга махсус сертификатлар берилиб бу жараён давом этмоқда...

Шу кунга қадар мамлакатимизда ННТ ҳамда фуқаролик жамияти институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Парламент комиссиясининг 2016 йил 20 июндаги № 28-сонли Қарори № 2-иловаваси билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги” Низом асосида олиб келинаётган эди.

Бу борадаги жараёнларни такомиллаштириш орқали давлат ижтимоий буюртмасини давлат органи томонидан бериш тизимини соддалаштириш, давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни танлаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 26 августда “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ушбу Фармон том маънода мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Фармонга кўра, қуйидагилар фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш;

жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш;

фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Фармонга кўра, Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини кўшиб юбориш ва уларнинг негизида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлинмаларини (кейинги ўринларда – алоҳида бўлинмалар) ташкил этиш белгиланди. Бу эса, Олий Мажлис ҳузуридаги

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудларда бўлинмалари ташкил этиш орқали, ҳудудларда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини тинглаш, мулоқот қилиш ва қўллаб-қувватлашга имкониятни беради.

Шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат бўлган парламент палаталари вакиллари ҳар йили навбатма-навбат раислик қиладиган Парламент комиссиясини (кейинги ўринларда – Парламент комиссияси) тузиш, унинг фаолиятига манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда фаол жамоатчилик вакилларини жалб этиш белгиланди. Бу эса, тизимда шаффофликни таъминлашга, жамиятнинг долзарб масалалари бўйича депутатлари ва сенаторлар ўртасида консенсусни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ташаббускор фуқароларни “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирлаш ваколатини Парламент комиссиясига ўтказиш ҳам жамиятимизда ННТни фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати **ҳар йили** декабрь ойининг биринчи ҳафтасида **“Фуқаролик жамияти ҳафталиги”ни ўтказиб бориш**, унинг доирасида Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ва мулоқот ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, шу жумладан, **“Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун”** кўкрак нишони билан тақдирлашдир. Чунки жамиятда “Фуқаролик жамияти ҳафталиги”ни ўтказиш орқали марказий, ҳудудий ва туман миқёсидаги ННТнинг фаолияти сиёсий уйғониб, фаолиятини рақобат асосида такомиллаштириб боради ва ўз ташаббус ва ғояларини намоён этиш орқали имижини мустаҳкамлайди.

Фармонда ҳар икки йилда Фонд томонидан тақдирланадиган “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофоти таъсис этилади. Бу ҳам юртимизда учинчи сектор вакилларига бўлаётган эътибор ва эъозланиб бораётганлигидан далолат беради. Чунки бугунги ислохотларни барча бўғинларида “Инсон манфаатлари устувор” эканлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига ҳам тадбиқ этилмоқда. Бу борада ҳатто, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этилишини ўз ҳам юксак эътибор қаратилаётганини англатади.

Қолаверск, ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар аъзоларига ҳомийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомийлик хайрияларининг солиқ солинмайдиган миқдорини ўн беш миллион сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача ошириш ҳамда 2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган давлат божлари миқдорини икки бараварга камайтирилган ҳолда ундириш таклиф этилмоқда. Бу ҳам ННТ лар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги механизми сифатида жорий этилмоқда.

Фармон билан ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этиш белгиланди. Бу эса давлат ижтимоий буюртмасини давлат органи томонидан амалга оширишда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилиши белгиланди. Бу эса, жамиятдаги мавжуд муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ечим топишга хизмат қилади. Қолаверса, давлат органлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мавзулар шакллантириш, танловга қатнашиш, танловга давлат ижтимоий буюртмаларини беришнинг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг ҳажмларини оширишга хизмат қилади. Айнан фармонда фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли

лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳукуқи берилади. Илгари бу борада аниқ таъсирчан механизм йўқ эди. Бу тўғридан-тўғри “давлат органи + ННТ” ҳамкорлигини таъминлайди.

Шунингдек, Фармонда яна бир-қанча ННТлар ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга қаратилган механизмлар жорий этилмоқда, булар айнан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни танлаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш билан бирга, соҳани бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали рақамлаштиришга йўналтирилади. Айниқса тизим фаолияти коррупцияген ҳолатлардан бартараф этилиб, кенг жамоатчилик назорати ўрнатилишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида зикр этилган ҳужжатнинг қабул қилиниши юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг барча тизим ва тизим элементларини ривожлантириш ва мустахкамлаш, ННТларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни танлаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш орқали фуқаролик жамияти институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.